

SERGELI TUMAN HOKIMIYATI  
TADBIKORLIK SUB'EKTLARINI  
RO'YXATDAN O'TKAZISH  
INSPEKTSIYASI  
**RO'YXATGA OLINDI**  
20 15 Y « 30 » 04 № 004855-06

Aksiyadorlik Jamiyati shaklidagi «MEBEL»  
O'zbekiston – Buyuk Britaniya Qo'shma Korxonasi  
aksiyadorlarining 2015 йил 30 июндаги  
йиллик умумий йиғилиши қарори билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**



М.ў.

**«MEBEL»**

**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**USTAVI**

**(ЯНГИ ТАХРИР)**

## УСТАВ МАЗМУНИ:



1	Умумий қоидалар .....	
2	Жамиятнинг юридик мақоми, почта манзили ва электрон почта манзили .....	3 – 4
3	Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари .....	4 – 5
4	Жамият Устав фондининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайитириш тартиби .....	5 – 6
5	Жамият акцияларининг турлари, номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялари .....	6 – 7
6	Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	7 – 8
7	Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби .....	8 – 9
8	Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби .....	9
9	Жамиятни бошқарув органлари .....	9
10	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши .....	9 – 11
11	Жамият Кузатув кенгаши .....	11 – 13
12	Жамиятнинг Ижроия органи .....	13 – 15
13	Жамиятнинг Тафтишчиси .....	15
14	Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш .....	15 – 16
15	Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш .....	16

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан тайёрланган бўлиб, «МЕВЕЛ» Aksiyadorlik jamiyati (Кейинги ўринларда «Жамият» деб номланади) фаолияти тартибини белгилайди.

1.2. Жамият Давлат мулки кўмитасининг (ҳозирги кунда Давлат рақобат кўмитаси) 1994 йил 02 февралдаги №31 – к – ПО сонли буйруғига асосан ташкил этилган. Кейинчалик акциядорлар умумий йиғилишининг 2007 йил 04 июндаги қарорига асосан Ochiq aksiyadorlik jamiyati shaklidagi «МЕВЕЛ» O'zbekiston – Buyuk Britaniya qo'shma korxonasiga айлантирилган.

1.3. Жамият даставвал, Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 11 апрелда 391 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатига олинган.

1.4. Жамият Тошкент шаҳар Сергели туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2001 йил 17 октябрда 06 – 00002 – сонли реестр рақами билан қайта Давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 июнда 738 – сонли реестр рақами билан кўшма корхона сифатида Давлат рўйхатдан ўтказилган.

1.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 декабрда 738 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 13 октябрда 738 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.

1.8. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи:

**«МЕВЕЛ» Aksiyadorlik jamiyati;**

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи:

**«МЕВЕЛ» АЖ;**

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:

**Акционерное общество «МЕВЕЛ»;**

Рус тилидаги қисқартирилган номи:

**АО «МЕВЕЛ».**

## 2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисобрақамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда кўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шубъа ва тобе хўжалик Жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

- 2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.
- 2.11. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.
- 2.12. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.
- 2.13. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.
- 2.14. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): **Ўзбекистон Республикаси, 100121, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Саадий кўчаси, 6 уй.**
- 2.15. Жамиятнинг электрон почта манзили: [oa0.mebel@gmail.com](mailto:oa0.mebel@gmail.com).

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади – фойда олишдир.
- 3.2. Жамиятнинг асосий фаолият доираси, кенг аҳоли қатламини, корхона ва ташкилотларни мебел ва ёғочсозлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.
- 3.3. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:
- Кенг турдаги мебел ва ёғочсозлик маҳсулотларини, шу жумладан:
    - офис ва уй мебели;
    - юмшоқ мебел;
    - замонавий ёғоч маҳсулотларидан эшик ва ромлар ишлаб чиқариш.
  - Қўшма корхона, филиаллар, ваколатхоналар, шўба ва тобе корхоналар орқали мебел ва ёғочсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, савдо, молия фаолиятини амалга ошириш;
  - Республикада ва хориждаги ташкилотлар, корхоналар ва биржалар билан мебел ва ёғочсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган шартномалар тузиш, маҳсулот ва товарларни миллий ва чет эл валютасида сотиб олиб харидорларга нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиш ва мол айирбошлаш;
  - аҳоли ва корхоналарни мебель ва ёғочсозлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш тизимини яратиш, ривожлантириш, такомиллаштириш;
  - чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиш;
  - улгуржи, тижорат, озиқ – овқат, универсал дўконларини ва супермаркетлар хусусий тармоғини тузиш;
  - халқ истеъмол молларини ва техник ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
  - озиқ – овқатларни сотиб олиш, сотиш ва ишлаб чиқариш;
  - автотранспортни таъмирлаш ва сервис хизматини кўрсатишни ташкил этиш;
  - автомобилларни ювиш хизмати тармоқларини очиш;
  - қурилиш – таъмирлаш ишлари, қурилиш, сантехник ва авария хизматларини бажариш, бино ва хоналар дизайни, ишлаб чиқариш ва савдо хоналарини, бинолар ва турар жой уйларни ободонлаштириш ва таъмирлаш;
  - қурилиш материаллари, хом – ашё, техника ва асбоб – ускуналарни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;
  - электромонтаж, монтаж ва ишга тушириш ишларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;
  - безаш, монтаж ва том ёпиш хизматларини кўрсатиш;
  - лойиҳа – смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
  - маиший ва саноат музлаткичлари ва кондиционерларни сотиб олиш, уларни сотиш, таъмирлаш ва техник хизматини кўрсатиш;
  - иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиқларини йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш;
  - аҳолига маиший хизматларни барча турларини кўрсатиш;

- пойабзал, трикотаж, тикув ва керамик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ёнги ва кўриқлаш сигнализацияларини монтаж қилиш, сошлаш хизматларини кўрсатиш ва таъмирлаш;
- маиший кимёнинг ювиш, тозалаш ва бошқа воситаларини ишлаб чиқариш, ўраш, кадоклаш ва сотиш;
- барча турдаги қаттик, суюк ва вакуум ўровлари учун ўраш, қуйиш ва кадоклаш цехларини очиш;
- хужжатларни кўпайтириш, нусха кўчириш ва таржима қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- матбаа фаолияти билан шуғулланиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга дистрибьюторлик, диллерлик, агентлик ва инжиниринг хизматларини кўрсатиш, маркетинг изланишларини ўтказиш;
- ахборот базалари ва маълумотлар банкларини яратиш;
- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- интернет – кафеларни ташкил этиш;
- реклама фаолияти, кўргазмаларда иштирок этиш, мижозлар буюртмаси бўйича реклама маҳсулотини ишлаб чиқариш;
- илмий – изланиш, лойиҳа – конструкторлик ва тажриба ишларини ўтказиш;
- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда экспорт – импорт операцияларни ўтказиш;
- лизинг ва ижара хизматларини кўрсатиш;
- ким ошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслардан кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;
- компьютер, радио, видео, телеаппаратура ва кўпайтириш техникасини сотиб олиш, етказиб бериш, сотиш, уларга техник ва сервис хизматини кўрсатиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга мураккаб электрон аппаратураларни сошлаб ва таъмирлаб бериш;
- қишлоқ хўжалиги, чорвадорчилик, асал аричилик маҳсулотларини, шунингдек доривор ўсимликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сотиш;
- туризм, шунингдек халқаро туризм индустриясининг ҳам анъанавий ҳам ноанъанавий турларини ривожлантириш;
- меҳмонхона хизматларини кўрсатиш;
- божхона омборларини ташкил этиш, шу жумладан «эркин омбор» тартибида;
- юкларни, масъулиятни, таваккалчиликни суғурталаш бўйича агент сифатида хизмат кўрсатиш;
- автомобил транспортида йўловчи ва юкларни шахар, шахар атрофи, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш хизматларини кўрсатиш;
- йўловчи ва юкларни ички ва ташқи темир йўл транспорти орқали ташиш;
- транспорт – экспедиторлик хизматларини кўрсатиш;
- тиббий хизматлар кўрсатиш;
- дорихона тармоқларини очиш;
- илмий – амалий изланишлар, илмий ишлар ва бошқа ишланмаларни, янги технологияларни, «ноу – хау» ларни яратиш, сотиб олиш ва сотиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;
- хайрия ва хомийлик фаолияти билан шуғулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

3.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

3.5. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

#### 4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди ва **807 276 000 (саккиз юз етти миллион икки юз етмиш олти минг) сўмни** ташкил қилади ҳамда қуйидаги тартибда тақсимланган:

- **Юридик шахслар улуши** – 98,02%, 791 256 000 сўм, 263 752 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.
- **Жисмоний шахслар улуши** – 1,94%, 15 696 000 сўм, 5 232 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

- **Жисмоний шахслар улуши** – 0,04%, 324 000 сўм, 108 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.
- Жами:** 100%, 807 276 000 (саккиз юз етти миллион икки юз етмиш олти минг) сўм, 268 984 дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 108 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат. Бир дона акциянинг номинал қиймати – 3 000 (уч минг) сўм.



#### **а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

- 4.3. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 4.4. Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 4.5. Устав капитални акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш фақат Жамиятнинг ўз капитални капитализация қилиш ҳисобига амалга оширилади.
- 4.6. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.
- 4.7. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 4.8. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.
- 4.9. Жамиятнинг устав фондини кўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қискартирилиши керак.

#### **б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш**

- 4.10. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 4.11. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл қўйилади.
- 4.12. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.
- 4.13. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

### **5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ**

- 5.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир.
- 5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.
- 5.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.
- 5.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.
- 5.5. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.
- 5.6. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.
- 5.7. Жамият барча турдаги акцияларининг номинал қиймати 3 000 (уч минг) сўм.
- 5.8. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

- 5.9. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.
- 5.10. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.
- 5.11. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.
- 5.12. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 3000 (уч минг) сўмлик 956 078 (тўққиз юз эллик олти минг етмиш саккиз) донга эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

## 6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Жамиятнинг оддий акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - ўзига таълуқли инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
  - Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
  - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
  - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.
- 6.2. Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- Жамиятнинг акциядорлари реестрига кириш;
  - ўзига таълуқли инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
  - Жамият фойда кўриш – кўрмаслигидан қатъи назар, ушбу Уставнинг 7.9. бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - Жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринчи навбатда олиш;
  - Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
  - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш.
  - қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- 6.3. Жамиятнинг акциядорлари ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.
- 6.4. Жамиятнинг акциядорлари жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга.
- 6.5. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
- 6.6. Жамиятнинг имтиёзли акцияси акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермайди, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган айрим масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Имтиёзли акциялар унинг эгасига Жамият тугатилган тақдирда акциянинг тугатиш қийматини оддий акция эгаларидан олдин олиш ҳуқуқини беради.
- 6.7. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.8. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

6.9. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.10. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.11. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нарҳини тўлаш;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни хабардор қилиш.

6.12. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## **7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.3. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек ушбу уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.8. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.9. Агар Жамиятда тўлаш учун манба (соф фойда, тақсимланмаган фойда) ва/ёки захира фондида етарли маблағлар мавжуд бўлса, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича имтиёзли акциялар номинал қийматининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда йиллик дивиденд тўланади. Агар, оддий акцияларга имтиёзли акцияларга нисбатан кўп миқдорда дивиденд тўлашга қарор қабул қилинса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан имтиёзли акцияларга ҳам оддий акциялар билан тенг миқдорда дивиденд ҳисобланиши мумкин.

7.10. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган

Жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан Жамият ихтиёрида қолади.

7.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.12. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акция бўйича тўланадиган қиймат (тугатиш қиймати) имтиёзи акциялар номинал қийматининг 100 фоизини ташкил этади.

7.13. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.14. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

7.15. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

- Захира Фонди;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа Жамгармаларни тузилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

8.5. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорда ажратмалар ўтказилади.

8.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## 9. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятни бошқарув органларига қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

## 10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтишчини сайлаш тўғрисидаги, Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамият йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- а) Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Жамият кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- и) Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- к) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- л) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- м) Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;
- н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- о) акциядорнинг Жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- р) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- т) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- у) қонунчиликда ва мазкур Уставда қўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 10.7.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
- 10.8.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш бундан мустасно.
- 10.9.** Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 10.10.** Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги а), б), в), д), м), р), с) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 10.11.** Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва т) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.
- 10.12.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши қун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек қун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.
- 10.13.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
- 10.14.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
- 10.15.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
- 10.16.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтишчисига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳасти.

10.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтишчининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.19. Жамиятнинг тафтишчиси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

10.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.21. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.23. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги конунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низоми билан тартибга солинади.

## 11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги конунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, конунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайдиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Ушбу Уставнинг 10.6. бндидаги а) ва т) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- и) акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматида бўладиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш;
- м) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ) жамиятнинг ижроия органини тузиш, Бош директорни сайлаш (тайинлаш, ёллаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.
- р) Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- с) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- т) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- у) Жамият тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- ф) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- х) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш
- ц) Жамиятнинг филиалларини ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва тугатиш уларнинг Низомини тасдиқлаш;
- ч) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);
- ш) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- щ) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг Низомини тасдиқлаш;
- ю) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- я) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.
- 11.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.
- 11.4. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 5 (беш) кишидан иборат.
- 11.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
- 11.6. Жамият Бош директори Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
- 11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.
- 11.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
- 11.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 11.10. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 11.11. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
- 11.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.
- 11.13. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.
- 11.14. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки кўйидагилар талабига кўра чақирилади:
- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
  - тафтишчининг;
  - Жамият Бош директорининг;

• ачкаси аудит хизмати бошлигининг;

• конунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

11.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг 75 фоизини ташкил қилади.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.7. ва 4.10. бандларида ва 11.2 бандининг з), ч) ва ш) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (якдиллик билан) қабул қилинади.

11.17. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

11.18. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.19. Жамият кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.20. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сирдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

11.22. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.24. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

11.25. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш туттишлари лозим.

11.26. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун конун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.27. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.28. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми”да белгилаб қўйилади.

## 12. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.4. Жамият Бош директори Жамият Кузатув Кенгаши томонидан мазкур Уставда белгиланган тартибда бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади, ёлланади).

12.5. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.6. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.7. Жамият Бош директори Жамият Устави ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

12.8. Жамият Бош директорининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар қиради:

• ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкларда ҳисобрақамлар шу жумладан валюта ҳисобрақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамият ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- Филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Жамият филиллари ва ваколатхоналарининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миждорларда фойда олишни таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош директори томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тақрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.9. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.10. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

12.11. Бош директор томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли у билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.12. Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда, унинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

### 13. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШЧИСИ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 1 (бир) кишидан иборат тафтишчи сайланади.

13.2. Жамият тафтишчисига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс Жамият сифатида тафтишчиси кетма-кет 3 (уч) мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият тафтишчисининг ваколати доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;
- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;
- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;
- тафтишчи, қонунчилик, ушбу Устав ва “Тафтишчи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.4. Жамият тафтишчисининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтишчи тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

13.5. Жамият тафтишчининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтишчисига тақдим этиши шарт.

13.6. Жамият тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

13.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.9. Тафтишчи Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар маққудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 13.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

13.10. Жамиятнинг тафтишчиси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

### 14. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш, чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

14.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

### 15. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

15.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

15.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан қўлдан киради.

15.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

15.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

15.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 13 октябрда рўйхатга олинган Жамият устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

«MEBEL» АЖ Бош директори



Мавлюдов Э.Х.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **004855-06**

№ **004855**

2015 yil "30" iyul

Mazkur guvohnoma **"MEBEL"**

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**Aksiyadorlik jamiyati**

THSHT (ОПФ)

**153**

Mulkchilik shakli:

**Aksiyadorlar**

MSHT (ФС)

**144**

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

**SAADIY KO'CHASI, 6-UY**

MHBT (COATO)

**1726283**

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

**00255645**

Asosiy faoliyat turi:

**Mebel ishlab chiqarish**

XXTUT (ОКОХХ)

**15271**

**(aholi buyurtmasiga ko'ra ishlab chiqarish kirmaydi)**

STIR (ИИИ)

**200648263**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar: **13.06.2007 YILDA ADLIYA VAZIRLIGIDA 738-SON REESTR**

**RQAQAMI BILAN DAVLAT RO'YXATIGA OLINGAN**

**"MEBEL" QK AJNING XUQUQIY VORISI**

Vakolatli organ boshlig'i:

**K.A. Abdurahmanov**



GUVOHNOMANI  
QALBAKILASHTIRISH  
QONUN TOMONDAN  
TA'QIB QILINADI